# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 25 IYUL, JUMA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№94 (6.619). Sotuvda erkin narxda



## БУГУНГИ СОНДА

ФИРИБГАРЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ (2-саҳифада)



(1-3- саҳифаларда)

УМРБОҚИЙ НАЗОКАТ ТОПТАЛМАСИН (1-4-саҳифаларда)


### КУНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● **Пойтахтимизда 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида Тошкент шаҳрини ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига оид масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

● **Пойтахтимиз марказида Швейцариянинг яна бир соат дўкони - «CHRONOS» очилди.**

● **Пойтахтимиздаги Банклараро молиявий хизматлар марказида «Республика фуқароларининг банклардаги омонатларини кафолатлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

● **Регистон майдонидаги «Самарқанд» универмагида мамлакатимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг доимий ярмаркаси иш бошлади.**

● **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Олий адабиёт курсининг илк қалдирғочларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.**

● **Пойтахт вилояти фаолларининг Ўзбек миллий академик драма театрида бўлиб ўтган йиғилишида жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда маҳалла оқсоқоллари иштирок этди.**

● **Гурлан туманидаги Дўсимбой қишлоғининг Момокўпир қишлоғида янги бошланғич мактаби барпо этилди.**

● **Қораўзакда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ногиронлар» жамияти ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимлари ҳамкорликда Обод маҳалла йилига бағишлаб ногирон болалар ўртасида шахмат бўйича биринчилик ўтказди.**

● **Аббос Бакиров номидаги Андижон ёшлар театри жамоаси Қирғизистоннинг Ўш вилоятида ижодий сафарда бўлди. Ушбу ташриф «Санъат тинчлик ва дўстлик учун» фестивали доирасида бўлиб ўтди.**



**Мармар. Табиат инъоми. Уста эса уни моҳирлик билан мўъжизага айлантиради. Кўриб, ҳайратга тушасиз.**

**Нуробод тумани Нурбулоқ қўрғонидаги якка тартибдаги хусусий тадбиркор Шерали Ҳамроевнинг мармар тошлардан тайёрлаган маҳсулотларига харидорлар кўп.**

**СУРАТДА: Шерали Ҳамроев.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# НАМАНГАН КЎЙЛАКЛАРИ

***Наманган вилояти иқтисодиётида енгил саноат корхоналари салмоқли ўрин тутади. Бугунги кунда уларнинг сони 25 тага етди. Жумладан, бу тизимдаги 6 та йирик корхонага хорижий инвестиция жалб этилган. Шунингдек, "Наманганттекстиль" акциядорлик жамиятида янги йигирув фабрикаси, "Нотўқимачи" акциядорлик жамиятида сунъий мўйна цехи ишга туширилди. Вилоят енгил саноат корхоналарида 28 минг 140 тонна пахта толаси қайта ишланмоқда. Бу Наманганда етиштирилган йиллик ҳосилнинг 35 фоиздан ортиғи, деган сўз.***

Ишга солинаётган янги қувватлар боис енгил саноатнинг ялпи маҳсулот ҳажмидаги улуши 26 фоизга етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 20,2 миллиард сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан қарийб 111 фоизни ташкил этади. Шунингдек, 5,1 миллион АҚШ доллари қийматида маҳсулот экспортга чиқарилди. Тизимда янги қўшма корхоналар очилмоқда, қўшимча қувватларни ишга солиш давом этмоқда.



Булар ҳаммаси яхши, албатта. Лекин ҳали қилинадиган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Чунончи, Наманганда тайёр кийим тикиш, хусусан, эркаклар кўйлагига бўлган ақалли вилоятнинг ички эҳтиёжини қондириш борасида аллақачон жиддий бош қотириш лозим эди.

Президентимиз вилоятга ташриф буюриб, жойлардаги аҳвол билан танишган, айниқса, Уйчи тумани раҳбарлари билан учрашган чоғдаги танқиддан сўнг бу муаммонинг долзарблиги бор бўйича кўринди-қолди. Ваҳоланки, ўша Уйчи туманида, тикувчилик индустриясига эга бўлган бошқа қишлоқ туманларида бу йўналишда анча иш қилиш мумкинлиги мана энди, аён бўлиб турибди. Имкониятлар сарҳисоби шуни кўрсатдики, бугун бозорни эгаллаб олган хориж кўйлаклари билан рақобатга қодир маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчи потенциал Наманганда бор. Бунинг яққол далили шуки, мавжуд қувватларни ишга солишнинг ўзи билан ҳам Уйчи, Чортоқ, Поп маркаси босилган эркаклар кўйлагининг илк нусхаларини тайёрлашга ҳеч қанча вақт кетгани йўқ. Бир пайтлар "Бурсел" фирмаси кўплаб замонавий тикув машинаси келтирган ва жойларга ўрнатилган эди. Бугун ҳам улар тўртта туманда турибди, бири кўлқоп, сочиқ кабиларни чоклаётган бўлса, бошқасини чанг босган. Ана шулардан фойдаланиш билан ҳам бу катта муаммонинг лоақал бир қисмини ҳал этиш мумкин эди.




Президентимиз Уйчи кўйлаги мисолида жуда катта муаммони кўтарди. Зероки, Наманган вилоятида оз эмас, кўп эмас – 2 миллион 200 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Дейлик, шунинг ярми эркаклар бўлса, 500-600 минг кишининг кўйлакка эҳтиёжи бор. Агар ҳар бир одам битта ёзги ва битта қишки кўйлак кийганида ҳам вилоятнинг йиллик эҳтиёжи камида миллион (!) донага боради. Ваҳоланки, ҳозиргача бу эҳтиёж 25 та корхонаси бўлган вилоят енгил саноати томонидан энг кам даражада бўлса-да, қондирилган эмасди.

Бугун – Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида ана шу муаммо ўз ечимини топмоқда. Наманган ўз кўйлаги билан байрам тантаналарини кутади. Янгилик яратиш эса осон эмас. Ҳар қандай ишлаб чиқариш олдидан лойиҳа, пул, технология, хом ашё, фурнитура (маҳсулотни бутловчи қўшимча ашёлар) деган масалаларни ҳал қилиш лозим.

-Кўйлакбоп материални тайёрлаш учун жойимиз бор эди, - дейди "Наманганттекстиль" ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Ҳабибулло Муҳиддинов. – Аввал дастур тузиб олдик, шунинг учун ҳам реконструкция, модернизация жараёни қисқа муддатда якунланди. Пахта толасини қайта ишловчи дастгоҳлар лавсан ва вискозага мосланди. Лавсанни Беларусдан, вискозани Рязандан олиш мумкин. Шартнома тузилиб, масала ҳал бўлгунича қанча йўл босишга тўғри келди. Чехиянинг икки фирмасидан матони бўяш анжомлари олинди.

Табиийки, хорижий ҳамкорлар билан муомала қилиш учун эркин алмаштириладиган валюта зарур. Экспорт салоҳияти юқори бўлган "Наманганттекстиль" ўз валютаси билан энди ҳам кўйлакбоп мато ишлаб чиқаради, ҳам ички бозорни тўлдиради.Лекин талаб тўла қондирилади, дейишга ҳали эрта. Шундай бўлсада, айтиш жоизки, жорий йилнинг охиригача маҳаллий корхоналарни 500 минг погонометр арзон ва юқори сифатли газлама билан таъминлаш, яна 200 минг погонометрини ички бозорга чиқариш ҳам кичкина гап эмас-да.

Масаланинг "Наманганттекстиль" раҳбарига алоқадор яна бир жиҳати бор. У эндиликда енгил саноат корхоналари вилоят кенгашига раислик қилмоқда. Бинобарин, у ўз жамоаси билан бирга тармоқдаги бошқа корхоналар ишини ҳам мувофиқлаштириши лозим бўлади.

(Давоми 3-бетда)

# ОГОҲЛИК - ДАВР ТАЛАБИ

***Андижон. (ЎзА мухбири С.Шукуров). Андижон вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, прокуратура, маҳалла жамоатчилиги, ёшлар ва бошқа ташкилотлар, муассасаларнинг ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ёшларни экстремистик ташкилотлар таъсирига тушиб қолишдан огоҳ этиш бўйича долзарб масалалар ҳақида сўз борди.

Кейинги пайтда вилоятда аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш, тарбиявий ва профилактика ишлари ўтказилди. Юртбошимиз томонидан эълон қилинган амнистияга мувофиқ ўз қилмишларидан пушаймон, йўлдан адашган бир қанча андижонлик авф этилди. Уларнинг кўпчилиги ўз айбига чин дилдан иқрор бўлиб, тўғри йўлни танлади. Бироқ авф этилганлар орасида қора ишларини давом эттириб, жиноят устида қўлга тушганлар ҳам бор. Ҳозир улар ўз қилмишларига яраша жазосини олмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар тинчликни таъминлаш - умумжамоа иши эканлигини таъкидлади. Бундай мураккаб ишни биз биргаликда амалга оширишимиз керак.

# ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА БАҒИШЛАНГАН НАШР

***Тошкент. (ЎзА мухбири Саидмурод РАҲИМОВ). Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат марказида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишига бағишланган статистик ва таҳлилий шарҳлар йиллик нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

«Ўзбекистон иқтисодиёти 2002», деб номланган мазкур нашрда иқтисодий соҳадаги ўсиш, ўзгаришлар, умуман мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши турли жадваллар ва чизмалар, таҳлилий маълумотларларда кенг шарҳлаб берилган.

У Самарали иқтисодий сиёсат маркази, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битимни ҳаётга жорий этишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси EuropeAid ҳамда АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги - USAID ҳамкорлигида ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилди. Нашрда мамлакатимиз иқтисодий ривожланишига мустақил экспертларнинг холисона ёндашуви ўз аксини топган.

- Мазкур нашр ўқувчига Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақида аниқ ва қимматли маълумотларни беради, - деди EuropeAid лойиҳаси раҳбари Адриан Стрейн. - Унда Ўзбекистоннинг макроиқтисодий сиёсати, институционал ва бозор ислоҳотлари, таркибий-инвестицион сиёсат, ташқи савдо, аҳоли фаровонлиги ва меҳнат бозори ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши атрофлича таҳлил этилган.

(ЎзА)

***САМАРҚАНД. (ЎзА мухбири А.ҚАРШИЕВ). Ургут шаҳрида «SAM NEGIN» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси иш бошлади.***

# «SAM NEGIN» - ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Замонавий технология билан жиҳозланган корхонада гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланилади. Чет элда бизнинг миллий гиламларимизга талаб катта. Шу боис корхона харидор топишга қийналмайди. Ҳозир корхонада ўндан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Таъсисчиларнинг таъкидлашича, тез орада иш ўринлари бир неча баравар кўпаяди.

# БОРИНГИЗГА ШУКР, МАЛОҲАТ МАЛИКАЛАРИ!..

***Не ажабки, биз бу манзарага ҳар куни, ҳар қадамда дуч келамиз. Кўзларимиз бунга аллақачонлар кўникиб ҳам кетган. Тўғри-да, кўча-кўйда кетаётганингизда ярим яланғоч қиз-жувонларни кўриб таажжубга тушганмисиз? Очиғи, руҳиятимизга шиддат билан сингиб кетаётган ғарбона дунёқараш, оврупоча фикрлаш тарзи миллий қадриятларимиз - ор-номус, шарм-ҳаё каби тушунчаларни емириб бораётгани сир эмас.***

Тўғри, мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат вакиллари яшайди. Улар ўзларининг миллий қиёфасини бениҳоя қадрлаши, асраб-авайлаши ҳеч кимга сир эмас. Хусусан, миллий кийимларига бўлган муносабатлари борасида ҳам шундай дейиш мумкин? Хўш, нима учун бизнинг ёш-ёш қизларимиз, йигитларимиз кийиниш бобида хорижликларга кўр-кўрона тақлид қилишади?

**ИНСОН ЎЗИНГ...**

Бунинг сабабларини қаердан излашимиз керак? .

Ён атрофимда ярим танасини кўз-кўз қилиб юрган қизларимизга кўзим тушиб қолса, кўпинча улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" рўмонидаги бир лавҳа эсимга тушади. Ёдингизда бўлса, Ҳомиднинг ҳийлалари фош бўлиб, Отабекнинг гуноҳсиз эканлиги ўз исботини топгач, Кумушбиби ота-онаси билан Тошкентга келади. Ўша оқшом ётиш олдидан Отабек ва Кумуш бир неча дақиқа ёлғиз қолишади. Шу лаҳзалардаги икки маҳбуб қалб суҳбатини яна бир бор хотирга олайлик:

"...-Қани чиқинг, мен ётаман.

-Ёта берингиз.

-Сизнинг олдингизда ешинайми?

-Уялсангиз, мен юзимни ўгириб турай, - деди ва юзини четга бурди.

(Давоми 4-бетда)

**БОЖХОНА**

***Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз ички бозорини ҳимоялаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудимизга сифатсиз маҳсулотлар киритилишига қарши курашни кучайтиришга доир бир қатор қарорлар қабул қилди.***

-Мазкур қарорларнинг ижросини таъминлаш биз божхоначилар зиммасига катта масъулият юклайди, - дейди Наманган вилояти божхона бошқармаси катта инспектори, божхона хизмати катта лейтенанти Турсунбой Маҳмудов, - чунки ҳакалак отган нафсини қондириш йўлида сифатсиз маҳсулотларни юртимизга олиб кирмоқчи бўлаётган ёки ўзимизга сув билан ҳаводек зарур бўлган халқ истеъмол молларини четга олиб чиқишга уринаётган қоидабузарлар, афсуски, учраб турибди. Аммо, чегара ҳудудларида божхоначилар доимо хушёр ва сергак. Устамонлар қанчалик уринмасинлар, барибир "тузоқ"қа тушадилар.

# ҚОИДАБУЗАРЛАРГА ЙЎЛ ҲАМ, СЎҚМОҚ ҲАМ ЙЎҚ

Энг сўнгги мисолларга мурожаат этайлик. Яқинда Ҳамидулла Қосимов деган кимса Чуст туманидаги номаълум тракторчидан 2500 литр соляркани сотиб олиб, ўзи бошқарувидаги "ПАЗ-3724" русумли автомашина салонида ясама бак ва идишларга жойлаб, "Заркент-Сафедбулон" дала йўли орқали Қирғизистон Республикасига олиб кетаётганида қўлга олинди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Табиийки, тракторчининг ёнилғи омбори йўқлиги аниқ.

(Давоми 2-бетда)

# "САККИЗИНЧИ ХАЗИНА"НИНГ КАЛИТИ

***Агар бу беозор жониворлардан ҳеч бўлмаганда бешолтитасини бир мавсумгина асрасангиз, уни "саккизинчи хазина", деб аташингиз ҳам мумкин.***

Чунки қуён тез етилади, тез кўпаяди. Гўшти парҳез учун соз, мўйнаси ҳам қадрли. Мутахассислар фикрича, урғочиси 3-4 ойда етилади, 28-32 кунда болалайди. Йилига 3-6 марта, ҳар сафар 6-8 тадан (баъзан 15 тагача) туғади. Қуёнчалар 45 кунлик бўлганида онасидан ажратилади. Тез етиладиган зотдор қуёнларнинг тирик вазни 60-70 кун ичида 2 килограммгача етади. "Оқ великан", "Кулранг великан" каби зотдор турлари вояга етган пайтларида 8 килограммгача тош босади. Қуёнлар етти йилдан ўн йилгача умр кўриши маълум бўлсада, хўжаликларда 2-3 йил ичида яхши самара бериши тажрибаларда ўз исботини топган.

**ТАШАББУС**

Яна бир яхши томони, бу жониворлар озуқа танлашмайди. Майсаларнинг барча турини, дарахт пўстлоғидан тортиб, янтоққача хуш кўриб ейди. Сабзи, карам, лавлаги, дон-дун, омухта ем... Қисқаси, боқиш осон ва камхарж.

Кейинги йилларда воҳадаги оила чорвачилигида қуёнчиликка эътибор анча кучайиб, даромад манбаига айлантирилмоқда. Лекин хўжаликларда-чи? Бу борада Боғот туманидаги И.Дўсов номли ширкат хўжалиги ташаббусни яна қўлга олди. Ширкатга ишбилармон ва тадбиркор раҳбар Шавкат Собиров раис бўлгач, бошқа қўшимча тармоқлар қатори қуёнчиликка ҳам жиддий эътибор қаратилди.

-Аслида қуёнчилик биз учун янги соҳа эмас, - дея сўз бошлади раис. – Хўжаликда ўтган асрнинг 60-йилларида ташкил қилинган мазкур тармоқ қисқа фурсатда мўмай даромад манбаига айланганди. Ўша пайтда қуёнчилик фермасида 10000 бош қуён боқилар, ҳар йили 1,5-2 тонна парҳез гўшт тайёрланарди. Соҳада тўпланган етарли тажриба ҳозирги кунда ҳам ишимизда қўл келмоқда.

(Давоми 3-бетда)

**БОЛАЛАР СПОРТИ**

***Поп шаҳри марказидаги "Табассум" универмаги кўп йиллардан бери бўш ётарди. Тадбиркор Бахтиёр Мараимов шу бино ёнидан ўтаркан, унинг ҳолатини кўриб, ич-ичидан эзиларди.***

Президентимизнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши Бахтиёрнинг кўнглида мана шу жойни таъмирлаб, қўшимча бинолар қуриш ва чинакам спорт саройига айлантириш истагини туғдирди. Аввалига бу ҳақда бир-икки дўстига оғиз очганида, "овора бўлма, сени бу бинога яқинлаштиришмайди", деб шаштидан ҳам қайтаришмоқчи бўлишди.

"Бекор айтибсизлар, ҳозир болалар спортига катта эътибор беріляпти. Агар спорт маркази очсам, фарзандларимизга, халқимизга нафи тегади-ку", дея жавоб қайтарарди Бахтиёр.

# БАХТИЁРНИНГ СПОРТ САРОЙИ

Баҳорнинг илк тафти сезилганида таъмир ишлари бошланди. Кўримсиз бинога жило берилиб, қисқа вақтда чинакам спорт саройига айлантирилди. Наврўз арафасида иш бошлаши Попда байрам бўлди, деяверинг.

(Давоми 4-бетда)

"ҒАЛЛАБАНК"- ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН


**КЕЛГУСИ СОНДА:**

МАҲАЛЛАНИНГ МАЪНАВИЙ ДУНЁСИ ОБОДМИ?

"ЭПЛОЛМАСАНГ, ЕРНИ ҚАЙТАР!"

ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИНИНГ ДОВРУҒИ ТИКЛАНАДИМИ?




## НОРИН ИШТАҲА

***Совуқбулоқ қишлоғида ғалла йиғими кетаётган эди. У пайтлари комбайн қаёқда дейсиз? Ўроқда ишланарди. Кўпчилик эрталабки нонушта ҳам кўнглига ботмай, очнаҳор далага келган, қишлоқ қудуқлари узоқда қолганлиги боис, ичимлик суви ҳам муаммо бўлиб турарди. Аммо одамлар сабр-чидам билан меҳнат қилишарди.***

Кўп қатори далага чиққан мешқорин Норин калланинг сабри чидамади. Тушлик вақти яқинлашганда Ҳайдар ошпазнинг олдига келди. Қозонда садағанг кетай, чўлон шўрва қайнарди.

-Ҳув, анаву, ўйнаб турган помидорчани олиб бер, қорин пиёзнинг пўстлоғи бўлиб кетди, - деди у Ҳайдарга.

Ҳайдар шўрва устида у ёқдан-бу ёққа диконглаб ўйнаётган помидорчага қараб қўяркан, бош ирғаб деди:

-Нима, танглайингга помидор ёпишиб, ажалингдан беш кун бурун ўлмоқчимисан?! Беш-ўн дақиқадан сўнг овқат пишади, сабр қил.

Норин бунга кўнармиди. Ҳайдаржонни ҳоли жонига қўймай помидорни қозондан олдириб, сония ўтмай оғзига ташлади.

...Бироз ўтгач, одамлар тушликка чиқишди. Норин эса куйиб қолган оғзини каппа очиб, сўрида ётар, Ҳайдаржон унинг атрофида гирдикапалак эди. Шу-шу унинг лақаби Норин иштаҳа бўлиб кетди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

## ҚАЙНОНАНГ КАР БЎЛСА...

***Ҳимоят келин бўлгач, тезда маҳалладагиларнинг тилига тушди. Таниган-танимаган, билган-билмаган кузатувчи қўшнилар: “оёқ-қўли чаққонгина экан, яхши келин тушди Пошшахонга”, дейишадиган бўлишди. Бу гаплар Ҳимоятнинг қулоғига бориб етганида бир хурсанд бўлса, ичида бир хафа бўлиб қўярди.***

Аммо Ҳимоятнинг янги хонадонга кўникиши, аниқроғи, мослашиб кетиши осон кечмади. Чунки қайнонасидан тортиб, оиладаги аксар кишилар имо-ишора билан "гаплашишарди"-да. Бунинг сабаби оддий – Пошшахоннинг қулоғи сал "оғирроқ" эди. Шунинг учун қўни-қўшнилар ҳам унга бирор гапни қайта-қайта бақириб гапиришдан кўра, битта ишора билан фикрини тушунтиришни афзал кўришарди. Ўз навбатида у ҳам бошқаларга шу хилда мурожаат қиларди.

Тўйдан кейин меҳмондўст бўлиб қолган Пошшахонни йўқлаб нозик меҳмонлар келишди. Ҳимоят дастурхон ёзиб, нон, чой қўйди-да, эшик ортидан қандай таом тайёрланиши кераклигини билиш учун қайнонасининг “командаси”ни кутди. Ва ниҳоят, Пошшахон моҳирлик билан қўлларини коса шаклида кўрсатди. Дастурхонга шўрва тортилди. Бирпас ўтиб, чойдан хабар олгани эшик олдига келган келинига оғирқулоқ қайнона қўлини оғзига олиб бориб, аллақандай ҳаракатлар қилди. Буни ўзича тушунган Ҳимоят яна ошхонага югурди...

Меҳмонлар овқатланиб, чой устида анча суҳбатлашдилар ҳамки, чаққон келиндан дарак бўлмади. Охири улар фотиҳага изн сўрашганларидан сўнг, Пошшахон ноқулай бир аҳволда косаларни йиғиштира бошлади. Шу пайт қўлида лаган тўла ош билан келин кириб келди. Буни кўрган Пошшахон ҳам, меҳмонлар ҳам донг қотишди. Қайнона унга ош қилишни эмас, “овқатдан сўнг идишларни тезда йиғиштириб олинг”, деганлигини айтгач, уйда кулгу кўтарилди.

**Саид РАҲМОНОВ**

## СИГИР БАҲОСИДАГИ МУҲР

***Тоққа – Парда Турсун қишлоғига ўтсам, албатта, маҳалла оқсоқоли Йўлчивой Эгамбердиев билан суҳбатлашмай қайтмайман.***

-Қиш эди, - ҳикоя қилади у, - қор белга уради. Овқатга улбулни тўғрашиб қарасам, сув қолмабди. Хотинга сен жазни бошлайвер, мен сув олиб келаман, дедим-да, иккита пақирни кўтариб мактаб томонга бордим. Мактаб ҳовлисида 25-30 чоғли одам. "Ана ўзи, ана ўзи", дейишиб мени кўрсатишарди. Нима иш қилиб қўйибман , деб мен ҳайрон. "Сени ўзимизга оқсоқолликка маъқул топдик", деб қолишса бўладими? Қаршилик қилсам ҳам айтганларини қилдилар.

Хуллас, қўлимга маҳалланинг муҳрини тутқазишди. Ноилож, кўкрак чўнтакка солдим-да, сувни кўтариб уйга қайтдим. Йўлда дамба-дам муҳр турган чўнтакни ушлаб қўяман. Уйга келдим-да, хотинга бор гапни айтдим. "Қўйсангиз-чи, маҳаллакомлик осонаканми? Ҳазилингиз қурмасин", дейди. “Мана муҳр”, деб кўрсатдим. Хотин турган жойида бақадек қотиб қолганди. Нима қилай, отахонларнинг гапини қайтаролмадим. Бир-икки ой ишлайин, кейин топширвораман, дедим-да, муҳрни эҳтиётлаб, тахмондаги ёстиқ орасига яширдим. Маҳалланики-да, ахир. Кейин бошқа ишларга андармон бўлдим. Эртаси тонгда қарасам, муҳр жойида йўқ.

-Ана холос!

-Титмаган жойим қолмади. Йўқ! Меҳробнинг остига тушдимикин десам, меҳробда тешик жой йўқ. Уйни ағдар-тўнтар қилдик. Топилмаса-я. Ҳафсалам пир бўлди. Энди, хотин, гап бундоқ, маҳалладошларим менга ишонч билдирса-ю, мен ҳали иш бошламай... Ҳеч ким билмасин-у ҳозир ўша биттагина сигиримизни бозорга ҳайдайман. Сотиб, пулига муҳрни тикламасам бўлмайди, дедим. Хотин ноилож рози бўлди. Сигирни етакладим...

-Ол-а!

-Энди қишлоқдан чиққандим ҳамки, ортимдан келинойингиз ҳаллослаб етиб келди. Топилди, топилди, дерди у ҳансираб. Эр-хотин сигирни энди уйга ҳайдадик. Бир-иккита ҳамқишлоқнинг олдидан ўтаётиб, оқсоқол бўлганимни эшитмаганмикин, молини сотиб, бугун қуллуқ бўлсин қилиб беради чоғи, деб ўйламаяптимикин, деб хижолат ҳам тортаман.

-Муҳр қаерда экан?

-Болаларга ўрин солганда ёстиқни орасида кетган экан. Ўринни йиғаётиб топиб олибди, барака топкур.

Мириқиб кулишдик.

**Ахрор МУСУРМОНОВ**

## СЕРФАРЗАНД СОЛИЖОН

***-Бувингга уйланганимга эндигина икки-уч йил бўлган эди, - дейди бобом. - Ўшанда иккита фарзандли эдик. Тоғаларинг Азимжон билан Алижон туғилган пайтлар.***

Оғзим қулоғимда, кимга мақтанишни билмайман. Ошна-оғайнилар билан ўтириб қолсак, ҳар гапнинг бирида икки ўғлим борлигини айтиб, бир томоғимни қириб қўяман. Ўша пайтларда Солижон деган дўстим бўларди. Ҳозир бошқа жойга кўчиб кетишган. Шу дўстим негадир фарзанд кўрмади. Унием уйланганига уч йил бўлганди-да. Қилаётган ишим одобдан бўлмаса-да, бир куни ҳазиллашиб гап қистирдим:

-Солижон, бу дейман Худойим фарзандни фақат бизга атаганми, уч йилда иккита болали бўлдик. Сизда ҳали гўдакдан дарак йўқ. Нима бўлди? Ёки бирданига эгиз кўриб бизга етиб олишни мўлжаллаяпсизми?

-Етиб олиш у ёқда турсин, ҳали ўтиб ҳам кетаман. Сабр қип турибман-да. Мана кўрасиз, Худойимнинг бизга ҳам атагани бор. Ажабмас қўша-қўша берса, - деди у жилмайиб.

Солижоннинг гапига фаришталар омин, деган эканми, шу йили дўстим бирданига тўрт фарзанд кўрди.

-Қўйсангиз-чи, - дедим бобомнинг бу гапини ҳазилга йўйиб. - Қайси замонда кўргансиз бир йилда тўртта фарзандли бўлган одамни?

-Тўғри, аввалига бу гапга мен ҳам ишонмадим. Адашмасам январ ойи эди. Солижон эгиз фарзандли бўлди. Бири ўғил, бири қиз. Ўғлига Тоҳир, қизига эса Зуҳро деб исм қўйди. Эру хотиннинг оғзи қулоғида. Дўстим билан қўшилиб, буни роса “ювдик”. Тоҳир-Зуҳра уч ойлик бўлганда онасининг кўкраги хасталаниб, чақалоқларини сигир сути билан боқди. Ўша йилнинг охирроғида, буниси аниқ эсимда, дўстим яна эгиз фарзанд кўрди. Икки қиз. Эшитганлар ёқа ушлашди. Бу сафар шодиёнани икки ҳисса ошириб “ювдик”. Кайфимиз ошиб, дўстим билан телевизордан одам кеп қолармикин, деб тунги соат иккигача кўчада ўтирибмиз. Қани энди мухбир дегани етиб келсаю, дўстимни гапиртирса. Ахир бунақанги воқеа бўлса, телевизордагилар дарров етиб келишарди-да. Бироқ шунча кутганимиз беҳуда кетди. Қўл силтаб уйга қайтишдан ўзга чора топа олмадик.

**Шавкат ОРТИҚОВ**

## АҲВОЛ ҚАЛАЙ, СИРДАРЁ?

***2000 йилда вилоят хўжаликлари 2 миллиард сўм зарар кўрган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткич миқдори 2 баробарга ортди. Ўтган йили эса зарар миқдори салкам 3 карра кўпайди. Нега?***

Давлатимиз раҳбари 2002 йил ноябр ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят Кенгашида сўзлаган нутқида уқтирганидек, республика ҳукумати сўнгги уч йилда Сирдарё вилоятининг давлатга пахта сотиш режасини 60 минг тоннага камайтирди. Афсуски, шу уч йил давомида ҳам давлат режасини бажариш 60 фоиздан ошмади.

Асосий муаммолар шундан иборатки, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, экин майдонларини шўр босиши оқибатида Меҳнатобод, Оқолтин, Ш.Рашидов, Мирзаобод туманларида ҳосилдорлик 8-14 центнердан ошмади.

Таҳлилларга кўра, Мирзачўл шароитида чигитни экиб қўйиб, унга ҳеч бир ишлов бермаса ҳам гектар ҳисобига 8 центнердан ҳосил олса бўлади. Пахта етиштиришга сарфланган харажатларни қоплаш учун эса ҳосилдорлик камида 18 центнер бўлиши керак.

Сирдарёда юзага келган аҳволнинг сабаби нимада?

Биринчидан, ерлар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари талон-торож қилинган. Иккинчидан, экилмаган ерларни қўшиб ёзишдек ёмон иллат илдиз отди. Учинчидан, минерал ўғитлар, ёнилғимойлаш ашёлари, дала меҳнаткашларига мўлжалланган пахта ёғи, кунжара, шелухани вилоятдан ташқарига сотиб юбориш каби ҳолатлар Сирдарё деҳқончилигини орқага суриб ташлади. Тўртинчидан, далада ишлаган деҳқонга ҳаққи берилмади. Ўйлаб кўринг, 2002 ҳамда 2003 йилнинг ўтган даврида вилоятга 77 марта транш ажратилган бўлса, шулардан 63 тасида иш ҳақи кўзда тутилмаган.

Очиғини айтиш керакки, ҳозир Сирдарё далаларида ўзгача кайфият ҳукм сураяпти. Биринчидан, қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган, лекин талон-торож қилинган техникани хатлаш ва бутлашдек мураккаб вазифа уддаланди ва МТПларга жамлашга эришилди.

Айниқса, қўриқдаги Оқолтин, Шароф Рашидов туманларининг собиқ хўжаликлари негизида фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, ислоҳотларни амалга ошириш ишлари йилдан-йилга чўзилиб келаётган эди. Мазкур масала ҳам ечимини топди.

Аввало, мингдан ортиқ тик дренаж қудуқлари имкон қадар ишга солинди. Агарда ўтган йили фермер хўжаликларининг дизель ёнилғиси ва бензинга талаби атиги 35 фоизга қондирилган бўлса, бу йил улар юз фоиз таъминланди.

Минерал ўғитлар асосий омборлардан эмас, жойларда ташкил этилган шохобчалардан етказиб берилаяпти. Бундан фермерлар мамнун.

**ДАВР**

Айни вақтда пахта ёғи, кунжара ва шелуха олиш учун фермерларнинг вилоят марказига қатнаши барҳам топди. Гулистон ёғ-мой корхонаси ҳам жойларда ўз шохобчаларини ташкил қилди ва истеъмолчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиши туфайли ғўзалар баравж ўсаяпти. Далаларга меъёрдаги ўғит солинди. Натижада ортиқча ташвишларга ўрин қолмади ва тўлиқ гектарлар ҳосил қилинди.

Муҳтарам Президентимиз Сирдарё ғаллачилиги муаммолари ҳақида алоҳида тўхталиб, шундай саволни кўндаланг қўйган эдилар:

-Нима учун Сирдарёда ғалла ҳосилдорлиги 28 центнердан ошмаяпти? Баъзи раҳбарлар қамиш ёки бегона ўт босиб кетишини олдиндан билиб, нега яна шу ерга ғалла экади?

Давлатимиз раҳбари жойларда фермерлардан шартномада кўзда тутилган ғаллани тортиб олишдек ярамас одатни ҳам қаттиқ танқид қилганди. Савол туғилиши табиий: жорий йилда нималар қилинаяпти?

Кундалик ҳаётда кўриб турибмиз: ғалла ўрилаётган пайкалларда аввалгидек турли тоифадаги, юқоридан тайинланган вакилларни мутлақо учратмайсиз. Бу одатга узилкесил чек қўйилди. Фермерлар, хўжаликлар ғаллани ўзлари йиғиштириб, шартномадагисини давлатга топшираяпти. Режадан ортиқча ғалла эса деҳқоннинг ўзига қолаяпти.

Натижа шунга олиб келдики, кўплаб хўжаликлар, айниқса, фермер хўжаликлари ҳосилдорликни 50-65 центнерга етказдилар. Вилоятда биринчи бўлиб Сайхунобод туманидаги Т.Ғуломов номли ширкат хўжалиги ғалла режасини ортиғи билан бажарди.

Фермерлар эркин ва мустақил фаолият кўрсатаяпти. Эндиликда одамларни ҳеч ким аввалгидек далага чиқ, ғалла ёки пахта эк, деб қистамаяпти.

Негаки деҳқоннинг манфаатдорлиги ошаяпти-да. Одамларнинг юзида, кўзида ишонч бор. Илгари дўқпўписадан чўчиб турган ширкат етакчиси, фермеру деҳқон бугун раҳмат ҳам эшитаяпти. Бироқ, вилоятдаги ерларнинг аҳволи анча оғир. Бу бир кунлик дард ҳам эмас ва бир йилда тузалмайди ҳам. Ерга меҳр билан иш бериш, заминдорларнинг ғайрату шижоати вилоятни қолоқлик ботқоғидан чиқариши мумкин. Ғаллачиликдаги ютуқлар мисолида бунга умид туғилмоқда. Куз қандай бўларкин? Буни эса вақт кўрсатади.

**Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ**

## ҚОИДАБУЗАРЛАРГА ЙЎЛ ҲАМ, СЎҚМОҚ ҲАМ ЙЎҚ

(Боши 1-бетда)

У ғўза қатор орасига ишлайдиган ёки юк ташийдиган тракторга мўлжаллаб келтирилган 2500 литр ёнилғини қайсидир хўжалик омборидан ўмарган. Омборчининг-ку виждони жиғилдонга айланган экан, ўша хўжаликдаги бу соҳа мутасаддиларининг кўзлари қаёқда? Нега улар қимматбаҳо ёнилғини талон-торож этилишига йўл қўймоқдалар? Тумандаги назорат органлари бу аянчли ҳолга нега томошабин бўлиб турибдилар?

Бозорларимизни четдан келадиган сифатсиз маҳсулотдан ҳимоялаш йўлида олиб борилаётган ишларга қарамай, айрим шахслар мўмай даромад илинжида бу қинғир-қилвирликдан ўзларини тиёлмаяптилар. Масалан, ўзини “тадбиркор” деб билувчи Мавлонхон Солиев ана шундай олғирлар тоифасидан чиқиб қолди. У Олабуқадаги бозордан хорижда ишлаб чиқарилган умумий баҳоси 1 миллион 879 минг сўмлик турли хил материаллар, спорт кийимлари ва пойафзалларни “Дамас” русумли автомашинасига юклаб, “Қўрғончаобод” айланма йўли орқали юртимизга олиб кирмоқчи бўлганида тўхтатиб қолинди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Муҳтарам Президентимизнинг республикада Болалар спортини ривожлантириш ҳақидаги фармонидан кейин мамлакатимиздаги бир қатор тикувчилик корхоналарида болалар спорт кийим-бошлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яқинда Наманганда ана шундай маҳсулотларнинг савдо ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди. Унда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган спорт кийимлари сифат жиҳатидан хорижникидан қолишмаслигини кўпчилик эътироф этишди. Шундай экан, айрим ўз тийиқсиз нафси, жиғилдони йўлида четдан ана шундай маҳсулотларни ноқонуний йўллар билан олиб келиб, бозорларимиздаги мувозанатни бузишга уринаётган фуқароларнинг хатти-ҳаракатини қандай тушунмоқ керак?

Афсуски, кўплаб тарғибот-тушунтириш ишларимизга қарамай бундайин ачинарли ҳолатлар содир бўлиши давом этяпти.

Косонсой тумани чегара ҳудудида ҳаракатланаётган “Форд” русумли автомашина 11-сонли “Ҳаракатдаги” божхона маскани ходимлари эътиборини тортди. Қисқа назорат ўтказилганда фуқаро Мухриддинхон Ғаниев 1 миллион 380 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган пивони ҳеч қанақа ҳужжатсиз вилоятимизга киритаётган экан. Оқибат нима бўлди дерсиз?..

Юқоридаги ҳар уччала “учар” ҳам молидан ажралди, ҳам катта миқдорда жарима тўлади.

-Божхоначилар ўз постларида хушёр, - дейди суҳбатимиз пировардида Турсунбой, - чегараларимиз дахлсиз, амалдаги қонун-қоидаларни четлаб ўтмоқни ният қилганларга ҳатто сўқмоқ ҳам бермаймиз.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## КУНГАБОҚАР – ТАНГА ЁҚАР

***“Каттақўрғонёғмой” ҳиссадорлик жамиятида мамлакатимизда биринчи бўлиб экологик зарарсиз, тоза ва сифатли маҳсулот – кунгабоқар ёғи ишлаб чиқарила бошланди. Бунга эришиш учун корхона мутахассислари катта изланишлар олиб бордилар.***

**ЯХШИ ХАБАР**

-Ўтган йилнинг ёзида Молдовадан офтобсевар ўсимлик уруғини олиб келиб, 2000 гектар майдонга экдик, - дейди жамият бош иқтисодчиси Абдульбер Бекиров. – Ургутлик деҳқонларнинг ҳаракати туфайли юқори ҳосилдорликка эришилди. Шундан сўнг янги хомашё - семичкани қайта ишлаш муаммоси пайдо бўлди. Россиялик ҳамкасблар билан шартнома тузиб, кунгабоқардан ёғ олиш линиясини харид қилдик. Маҳсулотимиз халқаро андозаларга жавоб беришини ҳисобга олиб, яна битта замонавий ускуна – французларнинг маҳсулотни пластмасса идишларга қадоқлайдиган агрегатини ўрнатдик. Кўпгина ходимларимиз бунинг учун махсус тайёргарлик босқичини ўтадилар. Хорижга боришиб, тажриба ўрганиб қайтдилар.

**(Ўз мухбиримиз)**

## СУВНИ ТЕЖАЙЛИК

***Марказий Осиёда табиий ресурсларнинг бошқарувини такомиллаштириш дастури (NRMP), АҚШ Халқаро Ривожланиш Агентлиги (USAID) ҳамда Халқ таълими вазирлиги қошидаги “Биоэкосан” ўқув-услубий маркази ва маҳаллий экология билан шуғулланувчи “Дилхуш” ва “Поиск” нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда жорий йилнинг 23 июлидан 10 августигача мамлакатимиз ёзги оромгоҳларида дам олаётган мактаб ўқувчилари учун сувни тежашга қаратилган жамоа фикрини шакллантириш бўйича янги тадбирларни бошлади.***

Ўтказилажак тадбирлар сувни тежашга ва сув манбаларини меъёрида бошқариш концепциясини мактаб ўқувчилари ва ўқитувчилар орасида тарқатишга қаратилган бўлиб, ўқув материалларини тарқатиш ва ижтимоий теле ва радиороликларининг намойиши билан биргаликда олиб борилмоқда. Бундан ташқари NRMP дастури сувни тежаш масалаларига бағишланган ва таркибида сувнинг иқтисодий ва экологик аҳамиятига оид қизиқарли ва оммабоп маълумотларни қамраган иккита ўқув қўлланма ҳам ишлаб чиққан бўлиб, бу қўлланмалар ўқувчиларга синфдан ташқари машғулотлар учун ишлатишда асқотади.

Ташкил этилган гуруҳ тадбирларни Тошкент шаҳрида бошлаб, Фарғона, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Урганч, Нукус ва Термиздаги қатор оромгоҳларда давом эттиради.

Бундан кўзланган мақсад эса аввало сувга бўлган муносабатда жамоатчилик фикрини уйғотишдир. Шунда унинг исроф бўлмаслигига бирмунча бўлсада, эришиш мумкин.

Куни кеча Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ташкилотчилар журналистларга бу борадаги ўз режаларини баён этишди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**

## ОСМОНДАН ЧАЛПАК ЁҒИЛМАЙДИ

***Бухоро шаҳридаги Олмазор кўчаси, 36-уйда яшовчи Хосият Рўзиева моддий ёрдам сўраб Фурқат номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига ариза ёзди. Аёлнинг тоби йўқ. Турмуш ўртоғи ҳам соғлиғини йўқотган, бир боласи руҳий касал.***

Бу оила яшаш шарт-шароитини ўрганган комиссия аъзоларининг хулосаси якдил бўлди: уларга моддий ёрдам бериш керак.

-Аммо аризачи моддий ёрдам олиш учун навбат кутиб туришига тўғри келади, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зебо Очилова. – Бизга кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича ажратилаётган маблағ миқдори уч ойга 168 минг сўмни ташкил этмоқда. Бу маблағ ўта ночор оилаларнинг еттитаси эҳтиёжини қондиради. Шу боисдан Хосият Рўзиева, шунингдек, моддий ёрдамга муҳтож ,деб топилган Клавдия Егоршина, Павел Тимошукни ҳам навбатдагилар рўйхатига қўшиб қўйдик.

**ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ**

Шу ўринда бир мулоҳаза. Икки ёшгача фарзанди бўлган, ишламаётган оналар ҳамда 18 ёшгача фарзанди бор кам таъминотли оилаларга ажратилаётган маблағ миқдори анча салмоқли. Биз сўз юритаётган маҳаллада шу мақсаддаги маблағдан ойига 30-40 минг сўм ортиб қолаяпти. Бу пулни моддий ёрдамга муҳтож кишиларга ажратишга амалдаги тартиб-қоида йўл бермайди.

Хўш, қишлоқ туманларида аҳвол қандай?

-Бизга республика Вазирлар Маҳкамасининг кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарорига асосан ойига 45 минг сўм ажратилмоқда, - дейди Вобкент туманидаги “Вобкент” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бозор Рамазонов. –Тартиб-қоидага бирмунча ўзгартириш киритилса, яхши бўларди. Чунки бизда ҳам моддий кўмакка муҳтожу аммо уни олиш учун навбатда турганлар бор. Ўта ночор оилаларга имтиёзли тарзда моддий ёрдам ажратаяпмиз. Масалан, фуқаро Карима Тоирова, Лутфия Ҳожиева, Хайрулла Амриллаевга моддий ёрдам ажратдик. Негаки, бирининг фарзанди вафот этган, бирининг боқувчиси ногирон. Хуллас, учаласи ҳам кўмакка муҳтож.

Биз худди шундай фикрни тумандаги Роҳкент қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлганимизда ҳам эшитдик.

Сирасини айтганда, аксарият йиғин раисларини "лимит", деган сўз хавотирга солмоқда. Бу сўз “ажратилган моддий ёрдам миқдори чегараланган”, деган маънони англатади. Эҳтимол, аҳолининг маълум бир қатламини боқимандачилик кайфиятидан сақлаш учун шундай қилинаётгандир. Иложсизликдан маҳалладан кўмак сўраб келганга ёрдам беролмаслик ҳам мушкул иш. Ахир, ёрдам тариқасида бериладиган 8160 сўм пул унинг лоақал бир ташвишини енгиллатади-ку?!

Ёрдам пули миқдори ошса, кўмак сўраб маҳалла эшиги остонасига келувчилар сони кўпаяди, деган хавотир ҳам йўқ эмас. Лекин йиғин қошида шу масала билан шуғулланувчи комиссия фаолият кўрсатаяпти. Аризачилар дарду ҳолини қонуний ҳал этиш ваколати шу комиссия зиммасига юклатилган, ахир.

Ночор оилаларнинг қад ростлашига имкон берадиган яна бир йўл ҳақида. Гап банк орқали имтиёзли оилавий кредит олиш тўғрисида бораяпти. Бунда ҳам маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинининг алоҳида ўрни бор. Айтайлик, Роҳкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи кам таъминланган оила бекаси Роҳила Ниёзова банк орқали 680 минг сўмлик имтиёзли кредит олиб, қорамол харид қилди. Йиғин раиси Раҳмон Икромовнинг билдиришича, энди Р.Ниёзова оиласининг ўзига тинч хонадонлар қаторидан ўрин олишига шубҳа йўқ.

-Имтиёзли оилавий кредит олиш истагида юрганлар кўп, - дейди Раҳмон ака. – Аммо банкда ресурслар ўзига яраша.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш борасида кўп иш қилиняпти. Муаммолар ҳам оз эмас. Уларнинг ечимидан ўз-ўзини бошқарув органлари ҳам, фуқаролар ҳам манфаатдордир. Ўзига тинч ва тўқ оилалар кўпайганига нима етсин.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**



**Ҳар хил кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш ва уларни қонун ҳамда адолатли ҳал этишда ҳуқуқ-тартибот ходимларининг одилона иш юритиши мақсадга мувофиқдир. Янгийўл суди жамоаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 31 та жиноят ишини 31 шахсга нисбатан кўриб чиқди.**

**СУРАТДА: жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди судьяси Камолиддин Ҳалилов ва девонхона мудираси Раъно Абдувалиева ўзаро мулоқотда.**

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

## СОХТАКОРЛИКНИНГ АНТИҚА УСУЛИ

***Маълумки, мамлакатимизда бугун тадбиркорликка кенг йўл очилган, уларга бўлган эътибор катта. Ҳукуматимиз томонидан уларга муддатли имтиёзли кредитлар берилаётгани ҳам шундан далолат беради. Аммо ушбу ажратилаётган кредитдан ўз манфаатлари йўлида устамонлик билан фойдаланаётганларни ҳам йўқ деб бўлмайди.***

"Ғаллабанк"нинг Жиззах вилояти минтақавий филиали 2002 йилнинг 18 ноябрида вилоят хўжалик судига хусусий тадбиркор Малика Юлдашова билан тузилган кредит шартномасининг муддатида тўланмаган кредитни устама фоизлари билан қайтаришни ва шартномани бекор қилишни сўраб мурожаат қилади.

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек кўринган бу даъво аризаси хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Даъво қаноатлантирилиб, кредит шартномаси бекор қилинади ва қайтарилмаган кредитни устама фоизлари билан ундириб бериш лозим топилади.

Лекин нима бўлди-ю, 2003 йилнинг 29 майида банк яна ўша хусусий тадбиркор, Юлдашова Маликадан юқоридаги шартномани муддатидан олдин бекор қилишни, берилган 1.500.000 сўм кредитни, қайтарилмаган қарзнинг 19.500 сўмини ундириб беришни даъво қилиб чиқади. Агар қарзни қайтаришнинг иложи бўлмаса, қўшимча жавобгар сифатида хусусий тадбиркор Малика Юлдашова билан Жиззах дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш акционерлик уюшмаси (собиқ Пахтакор ДМК) ўртасида кафиллик шартномаси тузилганлигини, ушбу кафиллик шартномасига кўра Пахтакор ДМК Малика Юлдашова мабодо олган қарзни ўз вақтида қайтара олмаса, кафил сифатида ушбу қарз суммасини тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олганлиги боис суммани кафилдан ундириб беришни сўрайди.

**ТААЖЖУБ**

Хуллас, мазкур иш юзасидан хўжалик суди яна бир бор иш қўзғатиб, 2003 йил 4 июлда ажрим чиқаради.

Табиийки, ишни кўриб чиқиш жараёнида судга даъвогар, жавобгар ҳамда қўшимча жавобгарлар чақирилди. Банк ходимлари буни кутмаган эканми, ҳар ҳолда процессда довдираб қолади. Албатта, бунга ҳам сабаб бор. Оқибат ишнинг қизиқ томони шу бўлдики, кафил бўлган ҳам, кафилликка олинган ҳам бир-бирларини танимас, ҳатто кўрган ҳам эмас экан. Кафиллар бўлмиш Пахтакор ДМК собиқ раҳбари Алишер Соқиев ва бош ҳисобчи Акбарали Ҳайитовлар даъвога эътироз билдириб, кафиллик шартномасидаги имзолар умуман уларга тегишли эмаслигини, улар қалбакилаштирилганлигини маълум қилишади. Демак, бу сохтагарчилик фақат “Ғаллабанк”кагина аён бўлган. Ҳайратланарлиси ана шунда эди.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, бир иш юзасидан судга иккинчи бор даъво аризаси киритиш “Ғаллабанк”ка нима сабабдан керак бўлиб қолди?

Сабаби, биринчи ҳал қилув қароридан банк қониқиш ҳосил қилмаган. Чунки ҳал қилув қарорида қарз суммасини ундиришни тадбиркор тўлаши лозим эди. Малика Юлдашовада бунча пулни тўлаш имконияти йўқлигини билиб, иккинчи ғоя, яъни қўшимча жавобгар кафил бўлмиш Пахтакор ДМКнинг мол-мулкидан ундиришни режалаштирган. Лекин бу режа амалга ошмади.

Жиззах вилоят хўжалик суди юқоридаги фирибгарликка чек қўйди. “Ғаллабанк”нинг Жиззах вилоят минтақавий филиали ходимлари билатуриб ғаразгўйлик мақсадида кафиллик шартномасини қалбакилаштириш йўли билан берилган кредитнинг ўз вақтида қайтарилишига кафил сифатида уч йилдан буён фойдаланиб келган ва ўз ҳаракати билан банк манфаатига жиддий зиён етказган, деб баҳоланди. Қинғир иш эса жазосиз қолмайди.

**Гулмира СУЮНОВА,**
**Жиззах вилояти хўжалик суди матбуот котиби.**

# НАМАНГАН КЎЙЛАКЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Кўйлакбоп газламани тайёрлаш борасида амалга оширган ишлари ана шу жамоатчилик вазифасининг ўзига хос ижросидир. Чунки янги маҳсулотнинг асосий истеъмолчилари айни вилоятдаги енгил саноат корхоналари бўлади, албатта.



"Намангантекстил"нинг янги маҳсулотига вилоятдаги йирик харидорлардан бири "Муштарий" ҳиссадорлик жамиятидир. Бу ерда сўнгги икки ойда эркаклар кўйлагининг 18 та янги модели яратилди. Жамоа раҳбари Мунавварxон Шарипованинг айтишича, бу маҳсулотлар учун "Сафо-Марва" фирмаси орқали олинаётган матонинг баҳоси ўртача 2 минг сўм туради. Шунда ҳам ҳар бир кўйлак сотувга 5 минг сўмданга чиқарилмоқда.

Энди худди шу маҳсулот маҳаллий газламадан тайёрланаётган шароитда унинг нарх-навоси қанақа бўлмоқда.

-Бир метр кўйлакбоп газламамиз 800 сўмдан ортиқроқ туради холос, - дейди "Намангантекстил"да бўлганимизда Ҳ.Муҳиддинов.

Бугун Наманган бозорига келтирилаётган хорижий кўйлаклар камида 9-10 минг сўмданга пулланмоқда. Бунинг устига усти ялтироқ, ичи қалтироқ буюмнинг ташқи жилвасига алданиб чув тушиб қолаётганлар ҳам анчагина. Уларнинг ҳасрати оламга сиғмайди. Чортоқлик Ҳамза хола яқинда бўлган воқеани айтиб берди. Неварасини узатадиган бўлиб вилоят марказидаги "Жаҳон бозори"дан 6 та кўйлак сотиб олади. Аммо уйда можаро бошланиб, анчагина гап ўтади.

-Эртага куёв эгнига илгач, ўзимиз ҳижолатга қоламиз. Қизим бечораниям бўйни қисилади. Алмаштириб келайлик, - дейди келин.

-Бозордаги "тадбиркор" уйинг куймагур "хўп" дея қоладиган анойи эмас. Иннайкейин мен шу ёшга етганимда чорбозорнинг ўртасида набирам тенги бола билан "сан-ман" қилиб юрайинми? – дея кўнмайди кампиршо.

-Мана, ишонмасангиз, ўзингиз кўринг, - дея аёл кўйлаклардан бирини халтасидан суғуради-да, жомошов тўла сувга солиб мижиғлайверади.

-Қаригандан кейин одам ўжар-қайсар бўлиб қоларканми? Ер билан осмончалик хафа бўп кетдим, йигирма йилги келинимни анча койидим. "Кир" қуригачгина кўзим очилди. Нимага десангиз, келиним биларкан-да, ўша кўйлак зорманда "одноразовий" чиқиб қолди. Келиним уввало уринадики, қуриб кетгур дазмол олмайди. Қолган бештасини алмаштириб олгунча эна сутим оғзимга келди...

Ҳамза хола ва унга ўхшаб куйганларнинг "қисса"си хусусида яна бир гап. Хўш, ўшандай хориж кўйлаклари қаерда ишлаб чиқарилган? Чув тушган одам додини кимга айтади? Истеъмолчининг ҳуқуқига ҳурмат қаёқда қолди? Маҳсулотга маҳаллий корхонанинг тамғаси босила бошлагач, бу саволларга ҳам жавоб бор. Негаки, арзни айтар жойингиз тайин, истеъмолчи сифатида ақалли ишлаб чиқарувчининг манзилини биласизки, бориб ҳақ талаб қилиш имконингиз бор.

Ҳамонки гап маҳсулот сифати устида экан, "Муштарий"нинг янги кўйлакларидаги хусусиятларни айтмоқ ҳам ўринлидир. Анча йил бурун корхона чеварлари "Мистер Гудбай" (Канада) фирмаси билан ҳамкорликда эркакларнинг харидоргир кўйлакларини тикишарди. Энди ўшандаги анъаналар тикланди, технология янгиланди, моделлар ҳам XXI аср талабларига мос. Масалан, енгнинг манжетлари ихчам қиёфага кирди, ёқалар классик фасонга ўтди. Модельерлар дублерни, яъни қотирмалар устида ҳам астойдил иш олиб боришди. Изланишлар натижасида ювганда кичраймайдиган, дазмоллаганда йиғилмайдиган қотирмалар яратилди. Шуни ҳам айтиш жоизки, "Муштарий" маҳсулотлари 12 вилоят марказидаги улгуржи савдо ярмаркаларида намойиш этилиб, эркаклар кўйлаги бўйича Қўшимча 61 миллион сўмлик шартнома имзоланди. Биз корхонада бўлган куни Андижон ва Фарғонада ўтадиган ярмаркага товар жўнатилди. Шунингдек, "Муштарий" "Ўзбекенгилсаноат" компаниясининг яқиндан берган кўмаги билан 50 миллион сўм айланма маблағ эгаси бўлди ва Россиядан арзон, сифатли кўйлакбоп газлама олмоқда.





Корхона бир сменада фаолият кўрсатса йилига 220 минг дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш қувватига эга. Аслида жамоанинг имконияти бундан ҳам катта. У гуриллаб ишлаб турган кезлар йилига 564 мингтагача ана шундай маҳсулот ("Мистер Гудбай" кўйлаги) ишлаб чиқарган.

-Ҳозир ҳам ишни икки, ҳатто уч сменада ташкил қилиш мумкин, - дейди М.Шарипова. – Аммо бу ҳам хом ашёга боғлиқ, фурнитура устида ҳам жиддий бош қотириш зарур.

Хом ашёни эса юқорида айтганимиздай, "Намангантекстил" ўз зиммасига олди. Янги мато билан "Бизинтруд"дан қолган "Пфафф-Зингер" тикув машиналари, Поп ва Чортоқдаги чеварлар ҳам кўйлак тика бошлайдилар.

Дарвоқе, бу икки туманда ҳам июл ойида маҳаллий маҳсулотнинг намуна нусхалари яратилди. Попдаги "Чодак – МЧЖ" шаклидаги ўзбек – турк қўшма корхонасида 145 та тикув машинаси тайёр. Унинг директори Толибжон Раҳимовнинг айтишича, 50 миллион сўм кредит олиш учун ҳужжат тайёрланди, ҳамма босқичлардан ўтилди.

-Бизда йилига 50 минг дона эркаклар кўйлаги тайёрлаш мумкин, - дейди "Чортоқ" тикувчилик ҳиссадорлик жамияти раиси Абдусамад Дадахонов.

-Президентимизнинг ташрифидан сўнг бу йўналишда вилоятда катта иш бошланди, - дея изоҳ беради вилоят ҳокимининг ўринбосари Аҳмаджон Фозилов. – Ҳозир бир неча корхонада ишлаб чиқарилаётган кўйлакларимиз ҳам ички бозорни тўлдириши ва ҳам экспортга чиқарилиб, валюта заҳирасини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Бу масала бўйича вилоят ҳокимининг махсус қарори ҳам тайёрланяпти. "Уйчи йигирув-тўқув" акциядорлик жамиятида эркаклар кўйлаги ишлаб чиқариш бўйича хорижий инвесторлар билан иш олиб боряпмиз. Унинг лойиҳа қиммати 5,5 миллион АҚШ доллари бўлади, "Асакабанк" билан келишилди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш ва техникавий потенциали билан танишган "САМТЕКС" (Олмония) консорциуми корхонани қайта жиҳозлаш лойиҳасида иштирок этиш истагини билдирди. Корхона шунда йилига 5000 тонна пахта толасини қайта ишлаб, 4200 тонна жаҳон андозаларига мос калава ип ва 16 миллион погонометр мато ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Кўйлакбоп газламани пардозлаш ва эркаклар кўйлаги тикишни ҳам лойиҳанинг биринчи босқичидаёқ амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Пўлат АКБАРОВ олган суратлар.**

---

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## МАЪЛУМОТ ЕТКАЗГАНГА 30 МИЛЛИОН ДОЛЛАР БЕРИЛДИ

***АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд куни кеча Мосул шаҳрида ўлдирилган Саддам Ҳусайн ўғиллари Удей ва Кусейлар жасадларининг фотосуратлари кенг оммага кўрсатилишини маълум қилди.***



Бундан мақсад уларнинг ўлганликларини кенг жамоатчилик олдида исботлашдир. Жасадлар ҳақиқатан ҳам собиқ Ироқ президентининг ўғилларинiки эканлигини Саддам Ҳусайн тузумининг 4 нафар вакиллари ҳам тасдиқлашган. Шунингдек, жасадларни идентификация қилишда Ироқнинг собиқ бош вазири Тариқ Азиз ҳам қатнашганлиги айтилмоқда. ABC News телеканали эса Удей Ҳусайн қамал вақтида ўз жонига қасд қилган, деган хабарни тарқатган. Пентагон вакилининг фикрича, Удейнинг бош қисмидаги ўқ изи ўзини ўзи отиб ташлаганлигидан далолат беради. Ҳозирда АҚШ ҳукумати Удей ва Кусейлар ҳақида маълумот берган ироқлик маҳаллий кишига 30 миллион доллар мукофот берган ва унинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўз аскарларини сафарбар этган. Фарзандлари ўлганидан сўнг бир кун ўтиб эса Саддам Ҳусайннинг навбатдаги мурожаати "Ал-Арабия" телеканали орқали намойиш этилган. Операцияни юқори баҳолаган Оқ уй раҳбари Жорж Буш Удей ва Кусейларнинг ўлими собиқ тузумнинг қайта тикланмаслигидан далолатдир, дея айтган.

## ЭРОНДА "АЛ-ҚОИДА" ЕТАКЧИЛАРИ УШЛАНГАН

***Эрон ҳукумати ўз қамоқхоналарида сақлаётган маҳбуслар ичида "Ал-Қоида" ташкилотининг юқори мартабали вакиллари ҳам борлигини илк бор тан олди.***




Лекин, ўтказилган матбуот анжуманида Эрон разведка вазири Али Юнуси Усама бин Лодендан сўнг иккинчи ўринда турувчи, "Ал-Қоида"нинг бош мафкурачиси саналган Айман ал-Завахири, матбуот котиби Сулаймон Абуғоит ва ташкилот хавфсизлик хизмати бошлиғи Саиф ал-Одилларнинг ҳам Эрон қамоқхоналарида сақланаётганлигини шарҳлашдан бош тортган. Аммо, хориж матбуоти Қўшма Штатлар томонидан ҳибсга олиниши ёки йўқ қилиниши учун 25 миллион доллар мукофот эълон қилинган Айман ал-Завахири Эронда ушланганлигини урғуламоқда. Асли мисрлик бўлган кўз шифокори Айман ал-Завахири сўнгги бор Ироқда уруш бошланган куннинг эртасига, яъни 21 март куни "Ал-Жазира" телеканали орқали чиқиш қилган эди.

## ИСЁНЧИЛАР ҚАРОРГОҲГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

***Қарийб бир ҳафтадан буён давом этаётган уруш туфайли Либерия пойтахти Монровида яшовчи кишилар шаҳардан чиқиб кетмоқдалар.***



Қурбонлар сони эса ортиб бораяпти. Президент Чарлз Тейлор тузумига қарши бўлган исёнчилар унинг қароргоҳи ва шаҳар аэропортига олиб борувчи йўлдаги кўприкни эгаллаганлар. Либерияда юзага келган фуқаролар урушидан ташвишланаётган Ғарбий Африка давлатлари раҳбарлари эса ушбу мамлакатга 1300 кишилик тинчликпарвар кучларни юборишга келишиб олганлар. Бироқ, контингентнинг жўнатилиш санаси аниқ эмас, дея хабарини якунлайди "Ассошиэйтед Пресс" агентлиги.

## БОШ ВАЗИРЛАР ҲАРАКАТЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

***Вашингтонда Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан биргаликда матбуот анжумани ўтказган АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл, Исроил ва Фаластин бош вазирларининг Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш мақсадида тузилган "Йўл харитаси" лойиҳаси доирасида ижобий ишлар олиб бораётганликларини юқори баҳолади.***



Шунингдек, у кеча АҚШ президенти Жорж Буш билан учрашган Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббосни қуролли ташкилотларнинг исроилликларга қарши ҳужум қилишларини тўхтатиш учун янада фаолроқ ҳаракат қилишга чақирди.

Исроил ҳукуматининг маҳбусларни озод этиш бўйича қўмитаси эса яқин вақт ичида қамоқхоналарда сақланаётган ХАМАС, "Ислом жиҳоди" ташкилотлари аъзоларининг озод этилмаслигини маълум қилди.

## ТИББИЁТНИНГ КАТТА ЮТУҒИ

***Вена шаҳри шифокорлари тиббиёт тарихида илк бор одамнинг зарарланган тили ўрнига соғлом тил ўрнатишга муваффақ бўлганлар.***



Профессор Франц Ватцингер бошчилигидаги жарроҳлар гуруҳи 42 ёшли беморнинг хавфли даражада шишиб кетган тилини олиб ташлаб, ўрнига янгисини қўйганлар. Шифокорларнинг билдиришича, операция 14 соат давом этган. Ҳозирда эса унинг аҳволи анча яхши. Шунингдек, операция беморда ҳеч қандай салбий асорат қолдирмаган ва тўлиқ соғайганидан сўнг у гапириш имкониятига эга бўлади. Эслатиб ўтамиз, авваллари бундай операциялар фақат ҳайвонлар устида ўтказилган.

## ТЕРРОР ОЛДИ ОЛИНДИ

***Саудия Арабистони полицияси йирик объектларда террор актлари амалга оширишни режалаштирган 16 кишилик гуруҳни ҳибсга олган ва портловчи моддалар яратишда керак бўладиган материалларни мусодара этган.***



Мамлакат пойтахти Ар-Риёд шаҳри ва Қассим вилоятида ўтказилган операциялар чоғида гуруҳ етакчиси, дея тахмин этилаётган Турки ал-Дандани ўлдирилган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

---

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

## АНЖИР

***Анжир қадимдан жигар, талоқ ва ўпка шамоллашини даволашда ишлатилиб келинган.***

Ундан тутқаноқ, асаб ва ичак касалликларини даволашда ҳам фойдаланганлар. Анжир меваси ва қоқисидан тайёрланган дамлама кўкйўтални тўхтатишга, балғам кўчиришга ёрдам берса, унинг шарбати билан асал омухтаси кўз шамоллашига даво.

Анжирнинг меваси иситма туширувчи ҳамда тер ҳайдовчи хусусиятга эга. Томоқ шамоллаганда меванинг дамламаси билан ғарғара қилинса, яхши натижа беради.

## ЛИМОН

***Халқ табобатида лимон лавша, сариқ, истисқо, сийдик йўлидаги тош, бавосил, ўпка сили, бод касалликларини даволащда, шунингдек, подагра, атеросклероз, қон босими, витаминлар етишмаслигида тавсия этилади.***

Лимон шарбати безгак билан оғриган беморнинг иситмасини тушириш, чанқоғини қондиришда ёрдам беради. Лимондан тайёрланган лосьен билан юздаги ҳуснбузар ва доғларни кетказиш мумкин.

**Хонбиби МАХАМОВА тайёрлади.**

---

# ТОҚҚА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

***Бувайда туманидаги Амир Темур номли ширкат бош пудратчиси Абдусалим Абдуллаев билан гурунглашиб қолдик.***

Унинг гап-сўзларида фахр ва ҳаяжон яққол сезилиб турарди:



-Илгари фақат кузда улкан пахта хирмонларини кўришга одатланиб қолгандик. Ғалла мустақиллигига эришиш учун бу тармоққа эътибор кучайтирилгач, ёзнинг ўрталарида катта-катта дон хирмонлари кўзни қувонтирадиган бўлди. Пахтачилик ва ғаллачилик ҳар бир бош пудрат жамоаси, ширкат хўжалиги иқтисодининг мустаҳкам устунлари бўлиб қолди.

Тажрибали деҳқон ҳақ гапни айтди. Бошқа жойларда бўлгани каби сўз юритилаётган ширкат хўжалигида ҳам пахта ва дон етиштиришни кўпайтириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириб бориш иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашнинг асосий омили ҳисобланади.

ИНТИЛИШ

-Пудратчиларимиз билан тузилган ички шартнома моддий манфаатдорликни кучайтиришга асосланганлиги туфайли 200 гектар ғалладан 1000 тоннадан ошириб дон саранжомлаб олишга муваффақ бўлдик, - дейди ширкат етакчиси Маъруфхўжа Асқаров. – 646 тонна ғалла давлатга сотилди. 350 тоннадан зиёд дон ширкат аъзоларига, шу жумладан, ғалла етиштирган пудратчиларнинг ўзларига иш ҳақи сифатида берилди. Бу рағбатдан руҳланиб, халқимизнинг "Тоққа чиққан чўққини кўзлар" ҳикматига амал қилаётган деҳқонларимиз иккинчи муҳим тармоқ – пахтачиликда ҳам юқори натижаларга эришиш учун ғўза парваришини кучайтирмоқдалар.

Ҳар бир бош пудрат жамоаси ғалла билан бирга пахтадан мўл ҳосил етиштиришга азму қарор қилган. Хусусан, Ҳурсанбой Мелиев етакчилигидаги жамоа 61 гектар ердаги ғўзани меҳр билан парвариш қилаяпти. Миришкорлар ҳосилдорликни 40 центнерга етказишни кўзлашган. Хўжаликнинг бошқа пайкалларида ҳам бу йилги шартнома мажбуриятида кўзда тутилган ҳосилни беками-кўст етиштириш учун агротехника тадбирлари бош ҳосилот Набижон Тоштемиров йўл-йўриқлари асосида омилкорлик билан олиб борилаяпти. Заршунослар бу йил 496 гектар ердан 33 центнердан ошириб ҳосил етиштириб, давлатга 1640 тонна хомашё сотишга бел боғлашган.

**Ҳайдар АҲМЕДОВ**
**СУРАТДА: ҳосилот Набижон Тоштемиров.**
**С.УМАРОВ олган сурат.**

---

## ҒОЛИБ ФРАНЦИЯГА БОРАДИ

***Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллар университетида чет тиллар бўйича фан олимпиадаси ўтказилди. Унда француз филалогияси факултети талабаси Барҳаёт Мирпўлатов ғолиб бўлди.***

У олимпиада ғолиби сифатида Францияда ўтказиладиган халқаро санъат фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. У жорий йилнинг август ойида Франциянинг Ля Рашел шаҳрида ўтказиладиган санъат байрамида қатнашиб, ўз иқтидорини намойиш этади.

**"Туркистон-пресс"**

---

# "САККИЗИНЧИ ХАЗИНА"НИНГ КАЛИТИ

(Боши 1-бетда)

Ҳақиқатан ҳам ширкатда қуёнчилик тез ривож топди. 2001 йилнинг август ойида 20 бош қуён билан иш бошланган бўлса, ҳозирда уларнинг сони уч мингдан ошган. Ўтган йилдан бошлаб ойига 300-350 бош қуён хўжалик эҳтиёжлари учун гўштга топширилмоқда. Терисидан ширкатнинг мўйначилик цехида эркаклар бош кийими тайёрланади. Қисқаси, қуёнчиликдан хўжалик ойига ўртача 600000 сўм атрофида даромад қилмоқда. Фермада атиги уч нафар киши – Холжон ва Гулсара Хўжаевалар ҳамда Ўткирбек Оллоназаровлар меҳнат қилади. Озуқа учун ортиқча харажат кетмайди. Икки гектар беда, озроқ омухта ем бир йилга етади. Бундай шароитда олинадиган даромаднинг катта қисми соф фойдани ташкил қилиши ўз-ўзидан маълум.



-Бир пайтлар мактабларда ҳам қуёнчилик фермалари бўларди, - деди ширкатнинг иқтисодчиси Рустамбой Ибрагимов. – Биз таълим олган мактабнинг ўзида 150-200 бош қуён боқилар, унинг ҳисобидан 400-450 нафар ўқувчи бепул иссиқ овқат билан таъминланарди. Мактабнинг икки гектар боғида етиштириладиган беда ва сабзавотлар қуёнларни боқишга бемалол етиб ортарди. Ҳозирда ҳам мактабларда қуёнчиликни йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб кўрилса, фойдадан холи бўлмасди. Биринчидан, мактаб ошхонаси арзон гўшт билан таъминланса, иккинчи томондан ўқувчилар меҳнат таълими дарсларининг бир йўналишини амалиёт билан боғлашади. Қуён боқиш сир-асрорларидан ҳам хабардор бўладилар.

Қуёнчиликни нафақат ширкат ёхуд мактабларда, балки корхоналарда ҳам ташкиллаштириш мумкин. Бундай хайрли ташаббус ҳам Шавкат Собировнинг фаолияти билан боғлиқ. У қулоғигача қарзга ботган "Боғоттекс" акциядорлик жамиятига раҳбар бўлиб келган йилнинг ўзидаёқ уни оёққа турғазиш, қарздорлик тамғасидан халос этиш учун ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилишга киришди. Ташаббускор раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари боис "Боғоттекс" бир йилнинг нари-берисида илғорлар сафидан ўрин олди. Тарқаб кетиш арафасида турган корхонада бугунги кунда 954 нафар ёш йигит-қизлар меҳнат қилишиб, унда йилига 8 миллион погонометр сурп газлама, 1000 тонна калава ип тайёрланади. Дарвоқе, 2001 йилда 50 бош қуён келтирилиб, кичкина ферма ташкил қилинган эди. Эндиликда "шалпангқулоқ"лар сони минг бошдан ошди. Шунинг ҳисобига ишчилар бепул озиқ-овқат билан таъминланганлар.



-Кунига шу мақсадда 30-35 бош қуён сўйилиб, териси ёрдамчи корхона – мўйначилик цехига топширилади, - дейди биз билан суҳбатда "Боғоттекс" нинг бош ҳисобчиси Мақсуд Тожиев. – Икки гектардан иборат деҳқончилик хўжалигимизда етиштирилаётган сабзавот, беда, ишчи кучи билан йиғиладиган ем-хашак орқали қуёнлар учун озуқа манбаи бўлиб турибди. Гўшт етиштиришнинг энг афзал, қулай ва тезкор усули ҳам қуёнчилик бўлса керак. Чунки семириш ҳисобига 1 килограмм гўшт етиштиришга 3,4-4 озуқа бирлиги сарфланади. Меҳнат сарф-харажатлари эса атиги 32-40 соатни ташкил қилади.

Оилада ҳам қуён боқиш анчагина фойдали. Буни Найман қишлоғида истиқомат қилаётган Ибодулла бобо Сотимовлар хонадони мисолида кўриш мумкин. Унинг асл касби зоотехник. Умр бўйи то нафақага чиққунгача жамоат чорвачилигида меҳнат қилди. Ҳозирда Ибодулла бобонинг шахсий чорваси бор. 5-6 бош қорамол, битта от, 60 бошдан ошиқ қўй-эчки қаторида 100 бош қуён ҳам боқаётир.

-Оила аъзоларимизнинг тўқ-фаровон яшашида қуёнчиликнинг аҳамияти катта, - дейди отахон. Унинг шарофати билан хонадонимиз мойсиз қолгани йўқ. Оила кам-кўсти учун бозорга ҳам чиқариб турамиз. Шунда ҳам 100 бошдан асло камаймайди. Мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, бир йил мобайнида қуён ўз вазнига нисбатан 30-50 баробар гўшт беради. Фақат паррандачилик соҳаси бу кўрсаткичдан юқори.

Биз ушбу мақоламиз орқали ширкат хўжалиги, корхона ва оилада қуёнчиликни ривожлантириш тажрибалари ҳақида мулоҳаза юритишга ҳаракат қилдик. Хулоса чиқариш сизнинг ҳукмингизга ҳавола.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



---

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

**"ҒАЛЛАБАНК"**

**СЕРВЕРЛАР**

**сотиб олиш учун тендер эълон қилади. Тендерда қатнашиш учун таклифлар 2003 йил 26 августгача қабул қилинади.**

*Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:*

***700060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, 2-қават, 211-хона.***

***Тел.: 136-16-03***

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан 1990 йили Якубова Малоҳат Азимовнага берилган А № 128074-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти томонидан 1992 йили Қурбонов Бахтиёр Қосимовичга берилган ФВ № 950949-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан 2001 йил 20 апрелда Сагатов Хусниддин номига берилган экспорт-импорт операцияларини амалга оширган ҳолда чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи № 0516988-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ**



*"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасидан келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.*

**Мурожаат учун телефонлар:**
**152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.**

**ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ ОАО "ШОДЛИК"!**

*ОАО "Шодлик" приглашает Вас на внеочередное общее собрание акционеров, которое состоится 28 августа 2003 г., в конференц зале ОАО "Шодлик" в 15.00 часов по адресу: г.Ташкент, ул.Пахтакорская 5, начало регистрации 14.00 часов. Закрытие реестра акционеров 28.07.03 г. При себе иметь сертификат на владение ценных бумаг, паспорт.*

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

1. Обсуждение реализации гостиничного комплекса
2. Обсуждение сдачи в аренду гостиничного комплекса
3. Выборы Наблюдательного Совета
4. Выборы Председателя правления
5. Разное

**Телефон для справок: 41-40-22**
**НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ.**

# БАХТИЁРНИНГ СПОРТ САРОЙИ

(Боши 1-бетда)

Чунки поплик ёшлар кўпдан буён спорт молларига тўла дўконни орзу қиларди. Мажмуанинг қолган қисмларида ҳам таъмирлаш ишлари тез орада якунлангач, спорт жиҳозлари олиб келиб ўрнатилди.

Яқинда спорт мажмуасида бокс, таэквандо, каратэ, кураш, атлетика, аёллар аэробикаси, стол теннисидан илк машғулотлар бошланди. Поплик "чарм қўлқоп"чилар ўртасида туман очиқ биринчилиги ҳам ўтказилди.



-Чекка жойларда ҳам биз орзу қилган спорт кошоналари қурилар экан-ку, - дейди ёшлар ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон чемпиони Шаҳбоз Тоштемиров қувончини яширолмай. – Албатта, бундай имкониятлар болаларнинг маҳоратини ўстиради. Туман мусобақасида ғолиб чиққандим, Бахтиёр ака аудиомагнитофон билан мукофотлади. Роса қувондим.

Спорт мажмуасини кўздан кечирдик. Хоналар кенг, чароғон. Спорт анжомлари етарли. Бундан ташқари салқин ичимликлар дўкони, ошхона, массаж, сауна ҳам мажмуа ичида фаолият кўрсатяпти.

-Илгари шаҳардаги 65-мактабда ёшларга сабоқ берардик, - дейди бокс бўйича тўрт карра мамлакат чемпиони, боксчилар мураббийи Дилшод Тоштемиров. – Очиғи, шароит бу қадар мукаммал эмас эди. Спорт анжомлари етишмасди. Бахиёр акага раҳмат. Ҳамма шароитларни бекаму кўст қилиб берди. Буёғи энди бизга ҳам боғлиқ...

Бахтиёр Мараимовни стол тенниси атрофида учратдик. Қўлидаги ракетка билан чаққон ҳаракат қилиши бу инсоннинг спортдан хабари борлигидан, мажмуани бежизга қурмаганидан далолат берарди.

-Спортга болалигимдаёқ меҳрим тушган, - дейди Бахтиёр. – Ҳаётимни усиз тасаввур этолмайман. Спортнинг саломатликка фойдаси катта. Мажмуамизда спортнинг еттита тури бўйича малакали мураббийлар машғулотлар олиб боряпти. Бир вақтнинг ўзида бу ерда 100 нафар бола машғулотларда иштирок этиши мумкин. Ҳозир теннис корти, сузиш ҳавзаси қуришни режалаштиряпмиз. Кўплаб нуфузли мусобақаларни ўтказишга мезбонлик қилиш қўлимиздан келади.

Мазкур спорт-соғломлаштириш мажмуида яқинда бокс бўйича норасмий халқаро турнир ҳам ўтказилди. Мусобақада мамлакатимиз спортчиларидан ташқари Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон Республикаларидан келган "чарм қўлқоп" усталари ўзаро куч синашишди. Қизиқарли, ғоят кескин курашлар остида ўтган мусобақани бир ҳафта давомида попликлар мириқиб томоша қилдилар. Унда умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, Қўқон ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди. Ғолибларни яна Бахтиёр Мараимовнинг ўзи муносиб тақдирлади.

-Жойларда тадбиркорлар, фермерлар мана шундай спорт мажмуаларини кўплаб барпо этса, нур устига нур бўларди, - дейди Бахтиёр Мараимов. – Президентимиз яқинда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш масалаларига бағишланган мажлисида айниқса, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратиш, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш борасида тўлқинланиб гапирдилар. Юртбошимиз келажак авлод соғлиғи учун қайғуряптилар. Дарҳақиқат Жамиятимизга соғлом, баркамол авлод керак. Халқаро майдонларда спортчиларимиз яхши натижалар кўрсатаяпти. Қишлоқ ёшлари орасида ҳам чемпионларни етиштириш, тарбиялашимиз керак. Менинг бирдан-бир орзуим шу.

Попга йўлингиз тушса, Бахтиёрнинг спорт саройига бир кириб ўтинг. Бу ерда спорт билан шуғулланаётган болаларни кўриб ҳавасингиз келиши турган гап.

**Бахтиёр ТУРДАЛИЕВ**

# ХОРАЗМ ТАРИХИ ЖОНКУЯРИ

**МОЗИЙ**

***Шахсга сиғиниш авжига чиққан 1937 йил кўклам кунларининг бирида Хоразм воҳасига бир неча кишидан иборат экспедиция кириб келди. Уларнинг асл мақсади Хоразм тарихини ўрганиш эди. Хўш, таҳликали бир даврда, мозийдан кир ахтарилаётган пайтда Хоразм тарихини ўрганишга журъат қилган экспедиция раҳбари ким бўлган эди?***

У эндигина 30 ёшга кирган, ғоят вазмин ва зийрак, теран мулоҳазали, туркий ва форсий тилларни мукаммал биладиган Сергей Павлович Толстов эди. Асли петербурглик бўлган С.П.Толстов Москва Давлат университетини тугатгач, дастлаб Москва музейларининг бирида фаолият юритди. Кейин болалигидан эртагу афсоналар орқали ўзини мафтун қилган Хоразм тарихини ўрганишга киришди. Барча машаққатларни енгиб ўтиб, 1937 йилдан Хоразм археология ва этнография экспедициясини ташкил қилди.

Экспедиция Хоразмга келганида Толстов ихтиёрида 34 нафар илмий ходим, битта газик машина, 12 туя, йигирматача от, эшаклар ва бошқа бир қанча зарур асбоб-ускуналар бор эди.

У тезда маҳаллий халқ билан тил топишиб кетди. Кексалар билан Қуръон сураларию, халқ достонлари ҳақида, аёллар билан эса алла, ёр-ёр қўшиқлари тўғрисида суҳбатлашди. Маҳаллий аҳоли ичидан ер қазувчилар гуруҳини ташкил этади. Бу пайтда бутун қумликлар бағридаги Гулдурсун, Аёзқалъа, Чирик, Девқалъа, Тупроққалъа ва Қўйқирилганқалъаларда археологик тадқиқот ишларини олиб боришнинг ўзи бўлмасди.

Сергей Толстов изланишлар чоғида буюк тарихий обидаларга зиён етмаслик учун биринчи бўлиб, самолётдан кенг фойдаланди. Шу тарзда 1937-1941 йиллар давомида экспедиция қадимий Хоразм қалъаларидан кўплаб илмий манбаларни топди. 1941-45 йиллардаги уруш боис экспедиция вақтинча фаолиятини тўхтатгач, Толстов кўнгилли бўлиб урушга кетди. Оғир артиллериячи капитан С.Толстов Москва остоналаридаги жанглардан бирида яраланди. Шифокорлар маслаҳати билан ҳарбий хизматдан озод этилгач, тўғри Хоразмга келиб, яна илмий фаолиятини бошлаб юборди.

У 1946 йил 4 июлда Москвада бўлиб ўтган собиқ Иттифоқ Фанлар академиясининг умумий йиғилишида экспедиция фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради. Ўша вақтгача номаълум бўлган 200 қалъанинг сири очилиб, қайси даврга мансублиги аниқланади. II минг квадрат метр майдонда, ер қаърида 15-20 минг йил ётган антропологик, археологик ашёвий далиллар, ибтидоий давр тўғрисидаги топилмалар тарих фани учун янгилик эканлиги маълум бўлди.

Айниқса, Қизилқумдаги барханлар остида қолиб кетган, баландлиги 12 метрлик Тупроққалъа исломгача бўлган даврда бунёд қилингани аниқланди. Қалъа катта қаср, қурол-аслаҳа устахонаси ва 200 хонадан иборат эди. Шу каби кўплаб олтин, кумуш танга, билакузук, қимматбаҳо тош билан бирга, чанг чалаётган аёл сурати ҳам топилади. Бу нарса дунёда катта шов-шувга сабаб бўлиб, "Шарқ маданияти Ғарб цивилизациясининг акс садоси" деган шовинистик фикрни чиппакка чиқарди. Шунингдек, экспедиция Ғарб ва Шарқни боғловчи Буюк ипак йўли Хоразмдан ўтганини ҳам исботлаб берди.

Айниқса, Тўрткўл шаҳридан 22 километр шимолий шарқда жойлашган Қўйқирилганқалъа тарих фани учун мисли хазина бўлди. Негаки, археологлар қалъа геометрия, геодезия, астрономия фанларининг моҳир билимдонлари томонидан ой, қуёш, кун, йил ҳисобларини ўрганиш учун барпо этилганини исботлашганди.

1947 йил августида экспедиция Москвадаги моддий маданият ёдгорликлари илмий текшириш институтига қуйидаги мазмунда телеграмма юборди: "Қалъадан Хоразмийлар ёзуви топилди. Археологик ишлар давом эттирилмоқда". Шу йил С.Толстов учун сермаҳсул бўлди. Чунки, ёзувдан ташқари, қалъа деворларидан узум ва олма тераётган гўзал қиз расми, Хоразмга ҳукмдорлик қилган везамералларнинг бюсти, оқ мармардан ўйиб ишланган бургут, мармар тошдан ясалган ҳабаш ҳайкали, кўплаб олтин тангалар топилди. Экспедиция шу каби Хоразмда кенг тарқалган афсона ва ривоят, эртагу достонларни ҳам ёзиб олганди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, С.Толстовнинг йирик кўламли изланишлари, бетакрор илмий тадқиқотлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

**Умид БЕКМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# СЕН БОРСАНКИ, ОЛАМ МУНАВВАР!



Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

**ҚИШЛОҒИНГИЗ ТАРИХИНИ БИЛАСИЗМИ?**

# КАКАЙДИ

***Сурхондарёда Какайди деган машҳур жой бор. Нега машҳур деяпмиз? Сабаби шундаки, у ҳамиша кўпчиликнинг диққатини тортиб келган.***

Унда Юқори Какайди, Какайди, Қуйи Какайди деган қисмлари мавжуд. Какайди Қўрғони атрофида эса ўнлаб қишлоқлар жойлашган.

Энди "Какайди" сўзининг келиб чиқиш тарихи ҳақида қисқача тўхталсак. Гап шундаки, Сурхондарё шевасида "кўкайди кесди" деган ибора бор. Маъноси "қийнади, азоб берди", деган мазмунга тўғри келади. Айрим қарашларга кўра, Какайди мол бозорига келиб-кетиш кишиларга қийинчилик туғдирган, унинг номи шундан келиб чиққан дейишади.

Какайдилик мактаб ўқитувчиси Абдулла Бўриевнинг қайд этишича, "Какайди" сўзи 2000 йил олдин Хитой томонидан кириб келган Гю-шанлар – кушонлар давлати билан боғлиқ бўлиб, "Кю-кей" – "бирпас тўхтаб ўтадиган жой" маъносини беради. Жойнинг географик жойлашуви ва этник таркиби билан қизиққан маҳаллий зиёлиларнинг фикрига таяниб шуни айтиш мумкинки, Какайди – "қўққайди, ҳўққайди" сўзларидан пайдо бўлган. Бир томон дарё, бир томон кенг яйлов, ўртада у қўққайиб тургани учун ҳам шундай дейилган. Сўз узоқ йиллар давомида ўзгариб "Какайди"га айланган.

Какайдининг кексалари, фикри уйғоқ кишилари, археологлар келиб, топилган хум, сув қувурлари ва бошқаларни ўрганиб, ер остини қазиб, Какайди тарихига аниқлик киритишни жуда истайдилар.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ**

# SPORT OLAMIDA

## ҲИСОБ ОЧИЛМАДИ

***Пойтахтимизнинг "Локомотив" ҳамда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари ўзаро куч синашишди.***

Тенг курашлар остида ўтган учрашувда дарвозалар дахлсизлиги сақлаб қолинди. Бир вақтлар терма жамоа сафида тўп сурган моҳир ҳужумчимиз Олег Шацких эса "Локомотив" таркибида майдонга тушди.

## МИНИ-ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЭРОНДА

***Кеча Ўзбекистон миллий футбол терма жамоаси аъзолари Эронга жўнаб кетишди.***

Боиси, Теҳронда мини-футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади. Нуфузли турнирда ҳамюртларимизга омад тилаймиз.

## МУСОБАҚАЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

***Республика "Маҳалла" жамғармаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида болалар ўртасида ташкиллаштирилган "Футболимиз келажаги" турнирининг Тошкент шаҳар босқичи қизғин паллага кирди.***

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек (собиқ Боғи Эрам) номли маданият ва истироҳат боғида куни кеча ушбу турнирнинг "В" гуруҳи иккинчи тур беллашувлари бўлиб ўтди.

## КОМИЛЖОН ЁМҒИРОВ ОИЛАСИ ҒОЛИБ

***"Маҳалла" жамғармаси ҳамда республика Оқсоқоллар кенгаши ташаббуси билан ташкиллаштирилган "Соғлом оила" спорт мусобақаларининг якуний босқичи пойтахтимиздаги "Жар" спорт мажмуида ўтказилди.***

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятларидан ташриф буюрган 14 та оилавий жамоалар ўртасидаги беллашувлар қизиқарли курашларга бой, муросасиз тарзда ўтди. Бошқа оилалар жамоаларидан чаққонроқ, эпчилроқ ва маҳоратлироқ ҳаракат қилган қашқадарёлик Комилжон Ёмғиров оиласига турнир ғолиблиги насиб этди. Андижонлик Исмат Бўриев, жиззахлик Азамат Юсуфжонов оила жамоалари эса иккинчи, учинчи ўринлар билан кифояланишди.

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

***Тошкент шаҳридаги Олимпия шон-шуҳрати музейида германиялик иқтидорли мураббий Франс Теллер ҳамда мамлакатимиз спорти мутахассисларию мутасаддилари, мураббийлари ва журналистлар иштирокида тадбир уюштирилди.***

Сабаби, германиялик спорт мутахассиси Теллер ўзбекистонлик мураббийларнинг малакасини оширишга хизмат қилувчи ўқув-машғулот йиғинларида қатнашиш учун Тошкентга келган ва маърузалари, амалий машғулотлари билан мураббийлар эътиборини қозонган эди. Шу боис ҳам ушбу йиғинларда қатнашиб, Теллер имтиҳонидан ўтган мамлакатимиз мураббийларига сертификатлар топширилди.

## ПОЙТАХТЛИКЛАР ЮТУҒИ

***Футбол бўйича мамлакат XII миллий чемпионати иккинчи давра беллашувларига жиддий ҳозирлик кўраётган олий лига жамоалари оралиқ танаффусда ўзаро ўртоқлик учрашувлари ўтказмоқдалар.***



Куни кеча Тошкент шаҳрида мамлакатимизнинг икки етакчи жамоалари "Пахтакор" ҳамда "Навбаҳор" ўзаро куч синашди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтидорли мураббий Виктор Жалилов иккинчи даврадан бошлаб Наманганнинг "Навбаҳор" жамоасини бошқаради. Шу боис ҳам учрашув анча кескин ва муросасиз кечди. Аммо учрашувда ҳисобни "пахтакор"чиларнинг умидли, ёш ҳужумчиси Марат Бикмаев очди. Шундан сўнг майдонда тўлиқ устунлик қилган тошкентликлар яна икки маротаба меҳмонлар дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлишди. Хуллас, Анвар Ғофуров, Миржалол Қосимов ("Пахтакор") ҳамда Шуҳрат Мирхолдиршоевлар ("Навбаҳор") томонидан дарвозаларга аниқ йўлланган голлар ҳисобига қизиқарли учрашув 3:1 ҳисобида тошкентликлар ғалабаси билан якунланди.

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

***Куни кеча Қарши шаҳрида спартакиада мусобақалари бўлиб ўтди. Қашқадарё вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган ушбу спартакиада баҳсларида мазкур бошқарма тизимидаги корхона, ташкилотлар жамоалари ўзаро куч синашишди.***

Спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, шоҳмот, шашка турлари бўйича уюштирилган спартакиадада 100 дан зиёд ҳаваскор спортчилар ғолиблик учун кураш олиб боришди.

## КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР

***Боксчиларимиз яқинда Таиланддан қайтиб келишди. Шуни таъкидлаш жоизки, у ерда ўтказилган жаҳон чемпионати баҳсларида ҳамюртларимизнинг 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритганликлари кўпчиликка маълум.***

Тан олиш керак, нуфузли турнирда боксчиларимиз аввалгиларига қараганда паст натижага эришишди. Шу боис ҳам бокс соҳасида янада жиддий ислоҳотлар, янгиланишлар бўлишига эришиш лозим. Дарвоқе, уларнинг келгусида Филлипинда ва Хитойда ўтадиган халқаро мусобақаларда қатнашишлари кўзда тутилган. Албатта, боксчиларимизнинг ушбу турнирларда юксак натижаларни кўзлаб ҳаракат қилишлари аниқ. Бу борада ҳозирдан тайёргарлик машғулотларини бошлаб юборган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларига муваффақият ёр бўлсин. Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида спортимиз мутасаддилари, Ўзбекистон бокс федерацияси вакиллари, мутахассислар, мураббийлар, чарм қўлқоп усталари иштирокида уюштирилган йиғилиш юқоридаги масалаларга бағишланди ва унда келгуси режалар муҳокама этилди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

**НИМТАБАССУМ**

## ЎЗИМИЗНИНГ ДОЛЛАР ЭКАН

Америка сафаридан қайтган янги рус танишларига гапирмоқда:

-Вей, уларга унча қойил қолмадим. Чунки уларнинг пули ўзимизнинг доллар экан.

* * *

-Мендан минг сўм олганингиз эсингиздами?

-Албатта, эсимда.

-Мен ўша пулни қачон қайтариб оламан?

-Мен қаердан билай! Авлиё эмасман-ку?!

* * *

-Синфимизда бир киши чекмас экан, дадажон.

-Ҳойнаҳой, сен бўлсанг керак?

-Йўқ, ўқитувчимиз...

* * *

Милиция ходимига бир киши:

-Раҳмат, ака, яхшилигингизни сира унутмайман.

-Ие, сизга нима яхшилик қилибман?

-Хотинимни тўхтатиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйибсиз.

* * *

Хотин эрига:

-Савдогар бўлмай, ҳар бало бўлинг! Олган олмангизни еб бўлмайди-я.

-Менам уни сотиш учун олдим.

* * *

-Эр-хотин бир-бирларига муносибми?

-Ҳа, албатта. У қаттиқ хуррак отади, хотини эса кар.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ тайёрлади.**

# БОРИНГИЗГА ШУКР, МАЛОҲАТ МАЛИКАЛАРИ!..

(Боши 1-бетда)

-Қараманг бўлмаса, - деди Кумуш ечинар экан, - "бўлғани йўқ", "бўлғани йўқ" деган сўзни беш-олти қайта такрорлади ва ўринга кириб олғондан кейин ҳам "бўлғани йўқ", "бўлғани йўқ", деб кулар эди..."



Ортиқча изоҳга ҳожат ҳам бўлмаса керак. Мана сизга ўтмишдаги ўзбек аёлининг шаръий жуфти ҳалоли олдидаги ибо ва андишаси. Номаҳрам кишилар олдидаги тавозени-ку қўяверинг.

Анча бўлди, ёши улуғ бир отахондан эшитгандим.

-Бизнинг ёшлик пайтимизда ҳовлилар ичкари ва ташқари қисмларга бўлинарди. Ташқаридан бегона эркак келиб уй соҳибини чақирганида ҳеч қачон аёл киши бориб эшикни очмаган. Ҳатто уйда эркак киши бўлмаган тақдирда ҳам аёл бир оғиз гапирмаган. Ичкаридан туриб кичкина бир кесакни дарвоза томонга отган. Шу тариқа ҳовлида эркак киши йўқлигини пайқаган ҳалиги киши индамай орқасига қайтган ёки айтадиган зарур гапи бўлса эшик ортидан айтиб кетаверган.

Рост, у замонлар аллақачон мозий қатларидан жой олиб улгурган. Тарих ғилдираги эса ҳеч қачон ортга айланмайди. Бироқ, миллатимизга хос умрбоқий қадриятлар, шарм-ҳаё, ибо-андиша каби фазилатлар ҳам наҳотки "ўтган кунлар" бағрида қолиб кетишга маҳкум бўлса. Унда биз ўз миллийлигимиз, асрий қиёфамиздан ажралиб қолмаймизми?

Донишмандлар айтганидек, кишининг ички дунёси унинг зоҳирида ўз аксини топади. Бинобарин, кийиниши, юриш-туриши ҳам унинг ким эканлигини кўрсатиб туради. Ўзингиз ўйлаб кўринг: тиззадан икки қарич юқорида турадиган юбка-ю, кўкракни аранг беркитадиган (узр!) ажабтовур либос кийиб юрган қиз кимда илиқ таассурот уйғотиши мумкин?

Баъзида оғриқли ўйлар дилга аёвсиз азоб бераверади. Наҳот, миллатимиз вакилалари ғарбга тақлид қилишга шу қадар ружу қўйган бўлсалар. Наҳотки, бўй етган қизларнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшадиган ял-ял ёниб турадиган атлас либослар ўтмишга айланган бўлса?!. Наҳот, кунимиз хорижнинг бир дастрўмолча мато кетмайдиган либосларига қолган бўлса? Қани ўзбекчилик? Қани ўзбекона ор-номус?

Одатда гап шу хусусда кетса, "шаҳар жойларда аҳвол шу-да. Шаҳар ўз оти билан шаҳар. Қишлоқ жойларда ҳали бунақа иллатлар кириб бормаган?!" дея ўз-ўзимизни овутган бўламиз. Бироқ, кечагина қишлоқдан келиб ўқишга кирган айрим қизларимиз бугун бир юмалаб "модница"га айланиб қолаётганига нима дейсиз? Демак, кишининг ахлоқий соғломлиги атрофидаги муҳитгагина эмас, унинг табиатига ҳам боғлиқ эканини унутмаслик лозим.

Шукрки, ўзларини Сароймулкхоним, Нодирабегим, Зебуннисо каби малоҳат маликаларининг муносиб издошлари деб биладиган иффатли сингилларимиз ҳам бисёр. Шулар бор экан, ўзбек халқининг умрбоқий назокати, иффату латофати йўқолиб кетмайди. Фақат, улардан бошқалар ҳам ибрат олишса, хўб иш бўлур эди.

**Рустам БЕК**



# РАССОМ ХАНДАСИ

Изоҳга ўрин йўқ.





Ж.МИРЗО чизган расм.





А.ҲАКИМОВ чизган сурат.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-561, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6